Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 20 май Чоршанба.
№ 38 (144131)

Қуюнчак муштарий
Телефонлар:
133-89-61 133-95-97

НЕГА ЛОҚАЙДМИЗ?

Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора тадбирлар тўғрисида"ги қарорини ўқиб, ҳам хурсанд бўлдим, ҳам хафа.

Чунки давлатимиз раҳбари халқ ҳаётини яхшилаш бўйича мунтазам ғамхўрлик қилаяпти. Бундан бир неча йиллар муқаддам ҳам Президентимизнинг бозорлар фаолиятидаги камчиликлар, нуқсонлар, уларнинг бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони эълон қилинган эди. Ушанда ҳамма бирдек бозорларни тартибга келтириш, айтилган муаммоларга барҳам беришга киришиб кетди. Мутасаддиларнинг елиб-югуришлари шарофати билан бозорда деҳқонлар эркин нафас ола бошлаган, халқнинг турмуши бироз бўлса-да енгиллашган эди. Аммо бир неча ой ўтгач, бозор яна чайқовчилар қўлида қолиб кетди. Хўш, бозор эгасизмиди? Ахир уни текшириб юрадиган солиқчилар, милиционерлар, бозоркомлар, санэпидстанциячилар борку! Нега улар ўз вазифаларини бажаришмайди? Нега улар юқоридан буйруқ кутиб ишлайди? Биз -- харидорларчи? Нега биз ҳам бозордаги тартибсизликларни кўра била туриб қўл қовуштириб юрамиз.

Ҳали кўрасиз бугун эрта газеталар, телевидение бозорларда рейд ва текширишлар ўтказишни бошлайди. Лекин компаниячилик қанча давом этади? Ахир ҳаммамиз биргаликда Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини бажаришга киришсак, Ватанимизда тинч-тотувлик, барака бўлади-ку!

Т.ҚОДИРОВ,
"Ўзбекхиммаш" ишчиси

* * *

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунни ўқидим. Жуда маъқул! Айниқса, ундаги "Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади" деган сўзлар айни кўнглимиздаги гап бўлди. Кейинги пайтларда республикамизда хусусий тарзда болаларга таълим бераётган ҳар хил муллалар, отинойилар кўпайиб кетган эди.

Шу ўринда бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Матбуотда Фарғона водийси вилоятларидаги айрим ёшларнинг диний ақидапарастлар таъсирига тушиб қолаётгани ҳақида кўп ёзишди.

Аммо Тошкентнинг ўзида ҳам баъзи йигит ва қизлар ваҳҳобийчилик таъсирига берилаётгани ташвишлидир. Айниқса, Собир Раҳимов, Акмал Икромов туманларидаги мактабларнинг баъзиларида ўқувчи қизлари ҳижобда юрганининг гувоҳи бўлдим.

Наҳотки ота-оналар, мактаб педагогик жамоалари, қолаверса, маҳалла оқсоқоллари бунга бефарқ муносабатда бўлишса?!

Баъзан ўйлаб қоламан: олий маълумотли, тажрибали ўқитувчилардан беш-ўн йиллаб таълим олган фарзандларимиз ўша биз танқид қилаётган чала муллалар, отинойилар таъсирига берилиб кетаётганига сабаб нимада? Ўқитувчиларнинг таълим-тарбия бериш услубларини ҳам ўйлаб кўриш керак.

Н.АБДУЖАББОРОВА,
Тошкент шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ УСТЮРТ МИНТАҚАСИ НЕФТ-ГАЗ САЛОҲИЯТИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Сизларни меҳмондўст Ўзбекистон диёрида самимий қутлайман. Тошкентда ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида халқаро анжуманларни ўтказиб, уларда турли соҳалардаги амалий ҳамкорлик масалаларини манфаатдорлик билан муҳокама қилиш яхши анъана бўлиб қолди.

Юртимиздаги барқарор вазият ва тотувлик, республиканинг ер ости бойликлари, юксак илмий-техникавий салоҳият ва ишлаб чиқариш тажрибаси нефт ва газ тармоғини бундан буён ҳам жадал ривожлантириш, Ўзбекистоннинг энергетика соҳасидаги мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётнинг янги илғор тармоқларини ривожлантириш учун янгиянги имконият ва истиқболларни очиб бермоқда.

Мустақиллик йилларида инвестиция ва тузилмалар сиёсатининг амалга оширилиши тармоқни янгилаш, уни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлантириш, конларни ишга туширишни жадаллаштиришга, углеводородли хомашё қазиб олиш ҳажмини кўпайтиришга қаратилди.

Ўта қисқа муддат ичида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўкдумалоқ конидаги ноёб газ компрессор станцияси ишга туширилди. АҚШ, Япониянинг йирик компаниялари ва халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини қайта қуришга доир инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантирувчи ҳуқуқий асос барпо этилгани, республиканинг устувор лойиҳаларига ётқизилган сармоя кафолати ва ҳимояси қонун билан таъминланганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Азиз дўстлар!

«Ўзбекистоннинг Устюрт минтақаси нефт-газ салоҳиятини ўзлаштириш истиқболлари» халқаро конференцияси ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашувини тезлаштиришга янги омил бахш этишига аминман.

Конференция иштирокчиларига ўз олдиларига қўйилган вазифаларни амалга оширишларида муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Аёлнинг қирқта жони борлигидан кўра, унинг қудрати неларга қодирлигига кўпроқ ишонишади. Дунёнинг бор ташвишини сизга бир жилмайиш билан унуттирган суратдаги бу қизлар Наманган туманидаги Р.Турсунов номли жамоа хўжалиги аъзолари Шоҳида Имонқулова ва Муҳайё Қўчқорова. Уларнинг олдига қўйган мақсади табиатнинг борки инжиқликларига бардош бериб, шаҳарликлар дастурхонини тўкин қилдириш.

Суратказ: Ш.ОЛИМОВ (ЎзА)



ГЕРМАНИЯДАН ХАТ КЕЛДИ

Истеъдодли ёш мусиқачи Фазлиддин Ҳусанов АҚШнинг Солт-Лейксити шаҳрида ўтказилган халқаро танловда фахрли иккинчи ўринни эгаллаганидан хабарингиз бор. Бугунги кунда у Германиянинг Троссинген олий мусиқа билим юртининг охирги курсида таҳсил олмоқда.

Ўқишда қўлга киритган муваффақиятлари, тиришқоқлиги, намунали хулқидан мамнун бўлган билим юртининг ректори жаноб Ритхард Беккер яқинда Фазлиддиннинг ота-онасига ташаккурнома юбориб, унда ёш мусиқачининг ютуқларини эътироф этди.

Фазлиддин ўқишни давом эттириши учун Америка Қўшма Штатларининг олий ўқув юртига таклиф этиляпти. Унинг мусиқа ижроси шинавандалари таклифи билан эса Япония ҳамда Франция давлатларида концерт-гастроллари мўлжалланяпти.

Мустақил Ватанга бўлган меҳрини мусиқа орқали жаҳонга улашаётган иқтидорли юртдошимизга янгидан-янги зафарлар тилаймиз.

НОЗИМА

БАНК ҚЎРИҚЧИСИГА ҲУЖУМ

Бухорода «Фалон банк қўриқчисига ҳужум қилиниб, унинг тўппончасини олиб кетишибди, фалон миллион сўм пул ўғирланибди» деган гаплар пайдо бўлди.

Ходиса

Биз бу миш-мишларнинг ҳақиқатга қанчалик яқинлигини билиш мақсадида Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги С.Нурматов билан учрашдик.

- Шундай ходиса ҳақиқатан ҳам рўй берди,- деди С.Нурматов. - Вилоят акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки соқчиси, милиция катта сержанти Улуғбек Мирзаевга иш жойида оғир тан жароҳати етказилиб, тўппончаси олиб кетилганди. Лекин банкдан пул ўғирланмаган. Жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги хабар олиниши билан вилоят прокурори раҳбарлигида тезкор гуруҳ тузилди. Жиноятнинг ўзига хослиги, қурол ишлатилиши мумкинлиги инобатга олиниб, қидирув эълон қилинди. Қисқа муддат ичида Бухоро шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 35 ёшлар чамасидаги шахс қўлга олинди. Олиб кетилган тўппонча унинг уйидан чиқди. Хайрият ишлатилмаган экан.

Бухоро вилояти прокуратурасидан маълум қилишларича, дастлабки терговдаёқ гумондор айбини бўйнига олган.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

ТАРИҚДЕК ЗАМИН БИР ВА ИНСОН БИРДИР...

"Туркистон" шарҳи

Бир ҳафтадан буён жаҳон жамоатчилигининг нигоҳи Жанубий Осиёга қаратилган. Ҳиндистон пойтахти Деҳлидан 550 километр узоқликда жойлашган Ражастон штати полигонида ўтказилган ядро синови дунёдаги ҳеч бир мамлакатни бефарқ қолдирмади. Сайёрамиздаги барча давлатлар Ҳиндистоннинг бу қадамини қоралаб, ўз норозиликларини билдиришди. Жаҳон оммавий ахборот воситаларидан келаётган хабарлар оқими ва мазмунидан ташвиш, хавотир руҳи ҳукмрон эканлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда мамлакатимиз ҳукуматининг тутган йўли аниқ ифодаланди: "Ҳиндистонда ядро синовларининг ўтказилиши Жанубий Осиёда қуролланиш пойгаси кучайишига олиб келиши, бу эса, минтақа доирасидагина эмас, жаҳон миқёсида ҳам хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солувчи фалокатли ҳамда олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин".

Ҳақиқатан ҳам ядро синови минтақадаги шусиз ҳам таранг бўлиб турган умумий вазиятни яна кескин тус олишига сабаб бўлди. Ўз манфаати йўлида маҳдудларча амалга оширилган бу ҳаракат кўплаб жиддий муаммоларни туғдирди.

Биринчидан, Ҳиндистон ядро қуролини такомиллаштириш ва синов жараёнидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида яна турқум портлашларни ўтказиши, бу региондаги вазиятни бутунлай назоратдан чиқишига олиб келиши мумкин. Бу мулоҳазани шу пайтгача очиқ мулоқотлардан ўзини тийиб келган, аммо ядро синовларидан сўнг "Таймс оф Индиа" газетасига интервью берган Ҳиндистон ядро дастурининг "отаси" Абдул Қалам билдирган фикрлар тасдиқлаб турибди. Унинг фикрича, миллионлар билан ўлчанган Ҳиндлар сони миллиардга етган экан, эндиликда орзуларини ҳаёт ҳақиқатига айлантирадиган вақт келган эмиш. У яна, бизни бу йўлдан ҳеч ким, ҳеч нарса, ҳатто АҚШнинг технологик санкциялари ҳам тўхтата олмайди, деб баёнот берди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида таъкидланганидек, бу машъум синовлар Осиё минтақасида қуролланиш пойгасини авж олишига олиб келади. Жаҳон оммавий ахборот воситалари Покистон ҳам худди шундай синовлар ўтказишга тайёргарлик кўраётганлиги хусусида хабарлар тарқатишмоқда. Покистонга зудлик билан етиб келган АҚШ давлат котибининг биринчи ўринбосари С.Тэлботт ушбу мамлакатни жавоб синовлари ўтказишдан тийилиб туришга чақирди. Аммо Покистон ҳукумати ядро синови ўтказиш ёки ўтказмаслик ҳуқуқи ўзида қолганлигини маълум қилди. Якшанба куни Исломободга келган Япония Бош вазири Рютаро Хасимото вакили Сиоитиро Нобур ҳам Покистонни ядро синовларини ўтказмай туришга чақирди.

Дунёдаги тараққий этган саккиз мамлакат бошлиқлари худди шу масала юзасидан алоҳида баёнот бериб, Покистон ва Ҳиндистонни тезроқ ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги битимга қўшилишига даъват қилишди. Ҳозирча ушбу чақириқлар Покистон тутган позицияга бирор бир ўзгариш киритганлиги маълум эмас.

Ўзбекистон ҳукумати Осиё қитъасини қуролланишт пойгаси майдонига эмас, иқтисодий тараққиёт, фаровон турмуш, хавфсиз ва тинч ҳаёт маконига айлантириш тарафдори эканлигини қатъий билдириб келмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ялпи хавфсизликка эришиш ғояси нақадар тўғри эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ҳиндистонда ўтказилган ядро синовлари жаҳон ҳамжамияти бу минтақа муаммоларига алоҳида эътибор билан муносабатда бўлиш лозимлигини кўрсатди. Эндиликда ҳеч бир давлат у дунёнинг қай бурчида жойлашган бўлмасин, ўзини якка ҳолда хавфсизлигини таъминлай олмаслигини, инсоният фақат биргаликдагина ҳар қандай бало қазони даф қилишга қодирлигини англайдиган вақт келди.

Жалолиддин САФОЕВ

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театрида халқимизнинг севимли ёзувчиси Одил Ёқубов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон нефть-газ саноатининг бугунги довруғини дунё тан олмоқда. Куни-кеча АҚШда нашр этилиб, бошқа мамлакатларга тарқаладиган "Рашен Петролеуль Инвестор" журнали шу ҳақда таҳлилий материал чоп этди.

* * *

"Жануби-ғарбий ва Марказий Осиё ўсимликлар ҳаёти" мавзуидаги V халқаро семпозиумда қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига 25 мамлакатдан мутахассислар ташриф буюришди.

* * *

"Камолот" жамғармаси Наманган вилоят бўлими ёшларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш, маънавиятни юксалтириш мақсадида ҳудуддаги билим юртлари талабалари ўртасида "Ёшлигим — қувноқлигим", деб номланган кўрик танлови ўтказмоқда. Унинг якуний босқичи шу ойнинг охирида бўлиб ўтади.

* * *

Бугун Тошкент Давлат шарқшунослик институтида И. А. Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобига бағишланган "XXI аср бўсағасида хавсизлик ва тараққиёт муаммолари" олий ўқув юртлариаро илмий анжуман ўз ишини бошлади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

Тожикистон: Имомали Раҳмонов мамлакатда ислом давлати барпо этилишига йўл қўймаслигини таъкидлади. Тожикистон ёшлари билан учрашган президент мамлакатнинг давлат тузулишида 30-40 йиллар давомида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаслигини билдирди ва ёшларни ҳақиқий демократик ва ҳуқуқий давлат учун курашишга даъват этди. Раҳмонов шунингдек 23 май -- Тожикистон ёшларининг куни деб эълон қилинишини айтди.

* * *

ҚОЗОҒИСТОН. Республиканинг янги пойтахти Оқмўла шаҳри Қозоғистон Президентининг фармонига кўра "Астана" деб ўзгартирилди. Президентнинг таъкидлашича, "Оқмўла" қозоқ тилида "Оқ мозор" бўлиб, бу ном анча "ноқулай" экан. "Астана" эса "пойтахт" деган маънони англатади.

* * *

ҚИРҒИЗИСТОН. Мамлакатдаги энг йирик ҳисобланмиш Тўхтағул сув омборида сув сатҳи кескин пасайиб кетди. Энергиянинг бошқа заҳиралари кам бўлгани боис қиш фаслида ушбу ГЭС энг юқори қувват билан ишлатилган эди.

ДУНЁ: СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ХОРИЖДА

Бирмингемда ўтказилаётган саккизта ривожланган мамлакатлар раҳбарларининг саммитида якунловчи қўшма баёнот эълон қилинди. 10 бетдан иборат бўлган ушбу ҳужжатда саммит давомида бутун дунё мамлакатларида ва "саккизликка" аъзо давлатларнинг ўзида иқтисодий ривожланишни яна юқори погонага кўтариш ҳамда минтақалараро жиноятчиликка чек қўйиш йўллари муҳокама этилгани таъкидланди.

* * *

Покистон ҳукумати ядро қуроли синовини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Айни пайтда Америка Қўшма Штатлари президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Сэмуэл Бергер Эн-Би-Си телекомпаниясига берган интервьюсида Исломобод Ҳиндистон йўлидан бормаслигига умид қилаётганини билдирди. Бергернинг таъкидлашича, Покистон синовни ўтказгани тақдирда АҚШ ҳукумати унга қарши жилдий санкциялар эълон қилиши муқаррар.

* * *

Индонезия президенти Сухарто миллий телевидение орқали халққа қилган мурожаатида унинг истеъфога чиқиши мамлакатдаги иқтисодий муаммоларнинг ечилишига хизмат қилмаслигини таъкидлади. Индонезия талабалари ва генераллари президент Сухартонинг истеъфосини талаб қилаётган бир пайтда мамлакатнинг қуролли кучлари Индонезия раҳбарини қўллаб-қувватлашни давом эттирмоқда.

* * *

Нью-Йорк модельерлари мўйна маҳсулотларидан иборат коллекцияларининг намойишини бошладилар. Атроф-муҳитнинг муҳофазаси учун курашаётган ташкилот аъзолари бунга қарши намойиш уюштирди. Улар ўзлари билан турли ҳайвонларнинг ўлдирилиши ҳақида ҳужжатли фильмларни олиб келиб, видеомонитор орқали намойиш қилдилар.

КИЧИК БИЗНЕС:

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтириш хусусан, ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишидир.

Тарихий далиллар ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий юксалишида кичик ва ўрта корхоналар фаолиятининг алоҳида ўрни борлигини кўрсатади.

Бизни ўзининг мукаммал иқтисоди билан ҳайратга солаётган Европа ва АҚШ аллақачонлар бизнеснинг ўрта бўғинига эътиборни қаратган эди. Масалан, АҚШдаги 19 миллион ҳар хил компанияларнинг 90 фоизидан ортиқроғини кичик корхоналар ташкил қилади. Японияда эса кичик ва ўрта бизнесга тааллуқли бўлган ишхоналарнинг 99 фоизи кичик тадбиркорларга тўғри келади. Айни пайтда АҚШ маҳсулотининг деярли 50 фоизини, Японияда ундан ҳам кўпроғини кичик корхоналар етиштириб беради. Бундан ташқари кичик корхоналарнинг бюджет тушумининг кўпайтиришда ва янги иш жойларини ташкил қилишда ҳам алоҳида ўрни бор. Зикр этилган мамлакатларда кичик бизнеснинг бу қадар шон-шуҳратга эришиши давлат кўмагининг натижаси деб баҳоланади. АҚШда кичик бизнес маъмурияти, Японияда кичик ва ўрта бизнес бошқармаси бевосита ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланади. Уларда давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари бевосита ҳукумат ва хусусий молия ташкилотлари орқали кичик тадбиркорликни ташкил этиш ва уни молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилади. Зеро, тадбиркорлар давлат, халқ манфаатлари билан уйғун фаолият кўрсатади. Ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилишга интилиш ўз навбатида давлат хазинасига тўловларни ҳам тўла-тўкис амалга оширишни таъминлайди.

Натижада давлат томонидан кўрсатилган ёрдам ўн ҳисса бўлиб қайтади. АҚШда кичик корхоналар фаолияти субсидиясига йўналтирилган давлат маблағлари тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни кредит билан таъминлашда кафолатлаш учун фойдаланилади. Кичик корхоналар Японияда деярли барча замонавий илм-фанга асосланган ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг (“Хонда”, “Санио”, “Ниссан”) дастлабки ташкилотчилари бўлганлар. Ҳозирда мамлакатда беш юздан ортиқ савдо-саноат палаталари ва уларнинг маҳаллий ҳудудлардаги бўлимлари мавжуд. Улар кичик корхоналарга ва якка тартибдаги тадбиркорларга молиявий маслаҳатлар. кўрсатмалар бериш билан ёрдам кўрсатади. Шуниси қувонарлики, бизнинг мамлакатимизда мустақиллик шамоли эсганидан сўнг, шахсан Президентимиз томонидан шу соҳага бўлган эътибор яхшиланди. Бундан бир ойча олдин Йўлбошчимиз имзолаган “Хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармондан сўнг тўпланиб қолган қатор муаммолар ўз ечимини топди, деб дадил айта оламиз. Мазкур ҳужжатда кичик ва ўрта бизнес субъектлари ишловчиларининг сонидан келиб чиқиб аниқ белгилаб берилди. Бу билан юқоридаги корхоналарга нисбатан бўладиган молиявий, кредит, солиқ тартиблари бўйича имтиёзларга кенг йўл очилди. Бундан ташқари тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси ваколатлари кенгайди. Бу ўз ўрнида тадбиркорларга, шу жумладан, кичик корхоналарга бўлган давлат эътиборининг кучайтирилишидир. Палатага кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича “Бизнес-Фонд”, “Мадад” суғурта агентлиги, “Ўзстадбиркорбанк” томонидан амалга ошириладиган тадбирларни мувофиқлаштириш ваколатининг берилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Эришилган кенг кўламли ишлар билан бирга ҳозирда кичик ва хусусий тадбиркорликнинг фаолият кўрсатиш шарт-шароитларини янада яхшилаш борасида айрим муаммолар ҳам мавжудлигини айтмоғимиз лозим. Жумладан, уларни кредит билан таъминлаш борасида ўйлаб кўрилиши керак бўлган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо, бу борада яна қуйидагиларга эътибор қилинса, бизнингча фойдадан ҳоли бўлмайди. **Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари қошида кичик ва ўрта бизнесни кредит билан таъминлашни ҳал қилувчи Аттестация комиссияларини ташкил этиш керак.** Мазкур комиссия тадбиркорларни аттестация қилиш орқали уларнинг фаолиятини чуқур таҳлил қилади ва ҳар томонлама баҳо беради. Қайд этилган Фармонда “Бизнес-Фонд”, “Мадад” суғурта агентлиги ва “Ўзстадбиркорбанк”нинг Палатага аъзоликка киритиш тўғрисидаги таклифнинг маъқулланиши бу ишларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Негаки, бериладиган кредитлардан мақсадли фойдаланиш, ўзининг моддий имкониятлари ва қобилиятлари бўйича аттестациядан ўтган тадбиркор таъкидлаб ўтилган ташкилотлар билан шартнома тузади. Бу билан тадбиркорнинг бўлар-бўлмасга сарсон-саргардон бўлишининг олди олинади. Шунингдек, комиссия айнан кредит бериш ва ундан тўғри фойдаланилаётганлигини назорат қилиш билан ҳам шуғулланади. Шу мазмунда ўз фаолиятини такомиллаштириб боради.

Энг муҳими комиссияда тадбиркор фаолиятига тўғри баҳо бера олувчи чуқур назарий ва амалий билимга эга бўлган мутахассислар ишлаши таъмин этилиши лозим. Улар кредит берилишининг барча қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиши зарур. Ана шундагина тадбиркорларга бериладиган кредитларни иқтисодиётимизнинг юксалишига тўлароқ хизмат қилдиришга эришамиз. Таъкидлашимиз мумкинки, палата ҳудудий бошқармалари ишини, шунингдек. уларда ташкил қилиниши лозим бўлган аттестация комиссияларини тузиш ва уларни такомиллаштириш йўли билан туман ва қишлоқларда қобилиятли, соф виждонли, меҳнаткаш инсонларни топишга эришилади. Бундай кишилар орқали барча қишлоқларда кичик корхоналар ташкил этиш имконияти вужудга келади. Сир эмас, қишлоқларда ишнинг “кўзини” биладиган, чет эл ибораси билан айтганда “интратадбиркорлар” етарлича топилади. Аммо улар дастлабки кўмак ва асосан маблағ йўқлигидан ишлаб чиқаришни бошлай олмасликлари мумкин. Бундай инсонларга молиявий ёрдам кўрсатиш орқали жойларда ишлаб чиқариш, қурилиш, маиший хизмат корхоналари ташкил этилади.

Бу билан қатор ишчи жойлари вужудга келади. Одамлар иш билан таъминланади. Натижада бекорчилик оқибатида айрим ёшларимиз ҳаётида, онгида пайдо бўлаётган бўшлиқ барҳам топади.

Умида ВАЛИЖОНОВА,
иқтисодчи.

"МЕН ҚАНДАЙ ҲИЖОБГА КИРДИМ?"



(Ўн олти ёшли Насибанинг изтироблари)

Бу қизнинг кўзлари жуда-жуда маъюс боқарди. Юрагининг аллақаерида симиллаб турган оғриқлар гўё юзига ҳам соя солгандек эди. Мажҳул кайфиятдаги бундай кишига бир сўз ортиқча, яримтаси кам... Индамадим, бироз вақт ўтиб, унинг ўзи менга кўнглини очди.

НАСИБА ЎЗИ ҲАҚИДА: “Бу воқеа икки йил аввал бўлиб ўтганди. Ўша кунни ҳалиям аниқ эслайман. Дугонам Гули билан автобус бекатида суҳбатлашиб тургандик. Шунда ёнимиздан бошдан-оёқ қопқора либосли беш-олтита аёллар ўтиб қолишди. Бекатдагиларнинг ҳаммаси уларга ғалати қизиқиш билан бир-бир қараб олди. Биз икковимиз ҳам жимиб қолдик. Нима ҳақда гаплашаётганимиз хаёлимдан кўтарилди. Кайфиятимиз тундлашди.

Эртасига Гули даб-дурустдан кечаги аёллар ҳақида гап очди. “Дадамлардан сўрадим, унақа қора либослар аслида Арабистондаги бадавий қабилалар аёлларининг кийими экан. Улар буни “абая” ҳам дейишаркан. Дадамлар улар ҳақда кўп нарсаларни эски китобларидан кўриб ўқиб бердилар” деди. “Сенинг дадинг диндорми?” деб сўрадим ундан. “Ҳа, -- деди у. -- Беш маҳал намоз ўқийдилар, мачитга чиқадилар. Менга ҳам намозни ўргангин, деяптилар...”

Шундан сўнг уч ойлик таътил бошланиб, анча вақт Гули билан учрашолмадик. Сентябрь ҳам келди. Янги ўқув йили бошланди. Дугонамни қаттиқ соғингандим. Лекин, шу куни у негадир кўринмасди. “Сен Гулини кутаяпсан-а? У мактабга келмайди” деди орқа партадаги Роҳила. “Сен қаёқдан биласан?” дедим. “Мен уларнинг маҳалласида яшайман. Уни дадаси мадрасага ўқишга юбормоқчи” деди у. Руҳим тушиб кетди. Негадир йиғлагим келди...

Дарсга қўнғироқ чалиниб, ўқитувчи кирди. Биз билан саломлашди, сўнг бирма-бир йўқлама қила бошлади. Шунда эшик очилиб, бошдан-оёқ оппоқ кийинган бир қиз “Мумкинми?” деб кириб келди. Уни кўриб ўқитувчимиз бироз шошиб қолди, сўнг секингина “Киринг, киринг” деди. У қиз тўппа-тўғри мен томонга кела бошлади. Қарасам... Гули экан! Ёнимга ўтирдию пичирлаб, “Яхшимисан, Наси?” деди.

Шу куни дарсдан чиққач, Гули билан мактаб хиёбонидаги ўриндиқда анча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Ёзги таътилда дадасининг қистови билан маҳалласидаги отинойидан дарс олганини гапириб берди. Ўша отинойи унга яп-янги ҳижоб кийими совға қилибди. “Буни кийсанг сенга Аллоҳнинг назари тушади. Дилингда неки қилгани боис, овоз чиқариб бирор нарса дейишга ботинолмабди.

Гулининг ҳижобда юриши кўпгина синфдошларимизни ундан йироқлаштирган бўлса-да, иккимизнинг ўртамиздаги муносабатларга таъсир кўрсатмади. Биз аввалгидан ҳам қалинроқ дўст эдик. Қиш ўтиб, баҳор келди. Наврўзга яқин қолганда онам сандиқдан атлас кийимлик олиб, менга “Офтобли кунларда тиктириб киярсан” деди. Наврўзда атлас кўйлак киймоқчи эканимни эшитган Гули “Маҳалламиздаги отинойининг келинлари чевар. Эртага мен билан юр, сенга бирпасда кўйлак тикиб берадилар”, деди. Онамга айтсам, “Чевар ахтаришга вақтим йўқ, дугонанг томонда бўлса борақол”, дедилар. Шу куни Гули билан отинойиникига йўл олдик. Келини бирам хушрўй, ширинсўз эканки, атласни бўйимга ўлчаб олди. Кўйлагим битгунча отинойи билан суҳбатлашиб ўтирдим. “Сен намоз ўқишни биласанми?” деб сўради мендан. “Йўқ” дедим. “Ўрганиб олсанг яхши бўлади” деди ва менга бир нечта китобчалар берди.

Наврўз байрами ўтгач, бир куни Гули ёнимга келиб “Сен отинойига ёқиб қолибсан. Вақт топиб бир келсин, дедилар”, деди. Эртасига онамдан изн сўраб, Гули билан ўша отинойиникига йўл олдик. Шу куни ярим кечагача у ерда қолиб кетдик. Бизга бир қанча амалларни ёзиб бериб, “Ҳозирча шуларни ўрганиб турингланг” деди. Менинг пешонамдан ўпиб, “Тез-тез келиб тургин-а”, дедилар. Бу аёлнинг ўзимга алоҳида меҳр кўрсатаётганидан хижолат бўлардим. Ундан уялиб қолмаслик учун ҳалиги дуоларни пичирлаб ёд олардим. Бир куни онам “Сен ўзингча, ниманларни пичирлаб юрибсан?” дея сўрадилар. Отинойининг менга дуолар ёзиб берганини айтдим. Онам ўйланиб туриб, сўнг “Биз отанг билан ҳатто калимани ҳам тузукроқ айтолмаймиз. Майли, сен ўргансанг яхши бўлар?” дедилар. Шундан сўнг дуоларни ёдлашга астойдил берилиб кетдим. Отинойиникига эса ҳафтада икки-уч бориб турардим.

Бир куни отинойи менга шилдироқ қоғозга солинган яп-янги (худди Гулиникига ўхшаш) ҳижоб кийими тутқазди. “Бу сенга совға, кийсанг худди фариштадек бўласан” деди кулиб. Сўнгра ҳижобни кийиш амалларини ўргатдилар. Мактабга ҳижоб-сўнг бошланди. Маҳалламиз қизлари ўзларини мендан четга олардилар. Учтўрттаси суҳбатлашиб турган бўлишса, яқинлашсам жимиб қолардилар. Бу орада ўқишларим ҳам пасайиб кетди. Кейин эшитиб қолдик. Бизга сабоқ берган ўша отинойи Ҳажга бормоқчи бўлганида, обрўли диндорлар иштирокидаги синовлардан ўтолмабди. Унинг “билимдон”лиги юзаки экан! Бу ҳақда маҳалламизда анчагина гап-сўзлар бўлди. Шу куни отам ҳам, онам ҳам “Биздан беруҳсат иш қилдинг, мана оқибати?!” дея мени анчагина койидилар. Бир неча кун тушкун ҳолатда юрдим. Гулига айтсам, у “Мен ҳам афсус қиламан” деди. Биз кимга ишондик, ўзи? Нега бунчалар шошма-шошарлик қилдик? Асл эътиқод ташқи кийимда эмас, ботиний ахлоқу-одобда, қалбан покликда эканини нега илгарироқ англамадик? Атрофимиздагилар-чи? Улар нега бизга лом-мим дейишмади? Нега?

ЖУРНАЛИСТ ШАРҲИ:

-- Яқинда нуфузли идора вакилларидан бири шундай деди: “Ваҳҳобийчилик ниқоби остида иш юритаётганларнинг аксарияти Ислом қоидаларини ҳам, Қуръон таълимотини ҳам тузукроқ билишмайди. Улар фақат аҳолини қўрқувга солиш билан банддирлар. Билъакс, бу кун ғоялар ўртасида кураш кетаётибди. Бордию уларнинг бузғунчилик ғояси устун чиқса, бизнинг инсонпарварлик ҳамда ватанпарварликка асосланган ғояларимиз қумга қурилган қасрдек қулайди. Демак, бугунги курашни шу қадар фаолроқ олиб бормоғимиз керакки, токи фарзандларимиз бизнинг хатоликларимиз жабрини тортишмасин...”

Изоҳга ҳожат йўқ. Фақат шуни очиқ айтиш керак, бу кун ён-веримизда Насибага ўхшаш сингилларимиз учраб туради. Норасида кўнгилларига озор етказмасдан уларни хато йўлдан қайтариш, билиб-билмай босган қадамлари уларнинг келажагига раҳна солиши мумкинлигини ўзларига англатиш -- ҳар биримизнинг бурчимиз. Акс ҳолда уларнинг покиза туйғулари турли тўдаларнинг салбий таъсири оқибатида хазон бўлмоғи тайин. Зеро, бу хусусда Шавкат Раҳмон сатрларидан ўтказиб бирор нарса демоқ мушкул...

-- Ёвга терс қараган мусулмон эмас,
Ёвга терс қараган мусулмон эмас!!!

ГУЛЖАМИЛА

Кўзгудаги ўзимиз

ЁШ ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ

Тошкентда ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган Ўзбекистон-Япония халқаро семинари бўлди. Уни республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси Япония ёшлар палатаси билан биргаликда уюштирди. Семинарда ҳукуматга қарашли бўлмаган мазкур бирлашмаларнинг фаоллари, иқтисодчилар, бизнесменлар иштирок этди.

«Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов семинарни очаётиб, Ўзбекистон раҳбарияти жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини, шу жумладан иқтисодиётни туб ислоҳ қилиш юзасидан ўтказаётган сиёсатни мамлакатимиз аҳолисининг деярли ярмини ташкил этадиган ёшлар иштирокисиз амалга ошириб бўлмаслигини таъкидлади. Ҳозир йигит-қизлар ислоҳотларни амалга оширишда, демократик ҳуқуқий давлат қуришда фаол иштирок этмоқда. Уларга ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришда, амалий кўникмаларини ривожланти-



ришда ёрдам бериш учун яқинда «Камолот» жамғармаси қошида республика ёшлар палатаси ташкил этилди. Бу палата ёшлар орасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

Семинарда иштирок этган Япония ёшлар палатаси миллий президенти Хаширо Нитта тўпланганларни бу ташкилот фаолияти билан таништирди. Япония ёшлар палатаси юздан орт иқ мамлакат ёшавлод вакилларини бирлаштирувчи Жаҳон ёшлар палатасининг аъзосидир. Ҳукуматга қарашли бўлмаган мазкур бирлашманинг асосий вазифаси ёшларга фаолиятнинг турли соҳаларида, айниқса иқтисодиётда ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришда имконият яратиб беришдан, инсонда ўз ҳатти-ҳаракатлари учун жамият олдидаги масъулиятни ривожлантиришдан иборат. Япония ёшлар палатаси йирик ташкилот бўлиб, унинг 64 мингга яқин аъзоси бор, мамлакатнинг барча шаҳарларида бўлимлари мавжуд. Маориф, маъмурий соҳадаги ислоҳотлар, минтақалар иқтисодиётини кучайтириш, урушга қарши тарғибот палата фаолларининг диққат марказида туради. Улар тадбиркорларга ўз ишини бошлаб, оёққа турғазишда, шу жараёнда вужудга келаётган турли муаммоларни ҳал қилишда мададкор бўлмоқда, улар учун ўқишлар ташкил этмоқда.

Семинарда қайд этилганидек, мамлакатимизда бундай палатанинг ташкил этилиши ёшлар орасида тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ишларни анча кучайтиришга имкон беради. Япониялик меҳмонлар касбдошларига бундай фаолиятни ташкил этиш тажрибаларини сўзлаб бердилар.

Семинарда Ўзбекистон ёшлар палатаси президентлигига сайлов бўлиб, Шавкат Зарипов президент этиб сайланди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ҲАМКОРЛИК РАВНАҚ ГАРОВИ

Шинадо Хитосет, Япониядаги Нарито шаҳри ёшлар палатаси Президенти:

-- Мен Япония билан Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталари яна боғланаётганлигидан бағоят мамнунман. Менимча, бундай алоқалар ҳар икки мамлакат учун ҳам самарали бўлади. Бугун Япония ёшлари палатаси Ўзбекистон ёшлари “Камолот” жамғармаси билан ҳамкорликда ишлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйиб, бу борада илк бор катта анжуман ўтказдилар. Бугунги кунда Японияннг деярли барча шаҳарларида ёшлар палатаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз яш йўналишларига эгадирлар. Мен ана шу ҳалқаро ёшлар палатасига ўзбекистонлик дўстларимиз ҳам аъзо бўлиб қўшилганлигидан хурсандман. Умуман бугунги анжуманни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад ҳам ташкилотимизга



Ўзбекистон ёшларини аъзо қилиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги маълумотлар билан таништириш эди. Халқаро ёшлар палатасига аъзо бўлган ҳар бир шахс энг аввало ўз манфаатини эмас, балки юрт манфаатини ўйлаб иш тутишлари кераклигини таъкидламоқчиман. Чунки юрт фойдаси учун қайғурадиган инсонгина ҳақиқий ватанпарвар ва тадбиркор бўла олади.



Рўзибой , Шерзод ,
"Туркистон" мухбирлари
Суратларда: Япония Ёшлар палатаси президенти Хошито НИТТО ва анжуман иштирокчилари Сураткаш А.Герасимов

"ЮРТИНГИЗ ИСТИҚБОЛИ НУРЛИ"

Қунчиқар мамлакат ёшлари ўзларининг ўта билимдонлиги, камтарлиги ҳамда масъулиятни чуқур ҳис эта олиш фазилатлари билан ажралиб туришади. Семинар иштирокчиларидан бири, япониялик меҳмон, мамлакат ёшлар палатаси Осиё-Тинч океани ривожланиш минтақаси кенгашининг маслаҳатчиси Мацуи Такаёши билан ўтказган суҳбатимизда бу жиҳатлар яққол намоён бўлди.

-- Мацуи, Япония ёшлари палатаси мамлакат йигит-қизларининг ҳаётида қандай аҳамиятга эга?

-- Япония ёшлар палатаси энг аввало инсоннинг жамият олдидаги масъулиятини ривожлантиради, қолаверса тадбиркорлик фаолиятида йигит-қизлар ўзларини намоён этишга имкон беради. Ёшлардаги бирдамлик, ўзаро ёрдам туйғусини сингдиришда ҳам мазкур ташкилотнинг ҳиссаси каттадир. Ундан ташқари энг эзгу инсоний фазилатларни сингдириш, тафаккурни, дунёқарашни муайян даражада кенгайтириш ҳам ёшлар палатасининг асосий мақсадлари сирасидан жой олган.

Шахсан мен бу ташкилот туфайли кўплаб дўстлар орттирдим. Тадбиркорлик, ишбилармонлик борасида яхшигина тажрибага эришдим, жуда кўп сабоқ олдим. Мана тўққиз йилдан буён мазкур палата аъзосиман. Ҳусусий босмахона эгасиман. Унда озиқ-овқат маҳсулотлари учун ёрлиқ, халтачалар ишлаб чиқарилади. Босмахонанинг ишлари фаол юришиб кетишида ёшлар палатасининг нафи беқиёсдир. Боиси бунда ахборот майдони жуда кенг бўлиб, маълумот алмашинув яхши йўлга қўйилган. Келгуси режалар тузиб, уни ҳаётга жорий этишда ёшлар палатасида олган билимларимиз қўл келмоқда. Осиёнинг турли давлатларида бўлдим. Яқиндагина Гонконгда ўз фирмамнинг ваколатхонасини очдим.

Биз бу ерга Япония ёшлар палатаси ҳақида ўзбек йигит-қизларини батафсил таништириш, унинг аҳамиятини тушунтириш, ўзбекистонлик ёшлар билан дўстлашиш ниятида келганмиз.

-- Япония ёшларининг миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси бутун жаҳонга аён. Шахсан сиз ватанпарварликни қандай тушунасиз?

-- Мен Японияда туғилганимдан беҳад фахрланаман. Дунёвий билимларни қанчалик пухта эгаллашимдан қатъи назар миллий анъаналарга содиқ қолишга интиламан.

Айтайлик, АҚШда ҳуқуқ ҳимоячилари Японияга нисбатан 20 баробар кўп. Қонунлар аниқ ишлаб чиқилган. лекин бизда эса имкон қадар қонунчиликдан четга чиқмасликка ҳаракат қилинади. Бирон тушунмовчилик юзага келса, унинг авж олишига йўл қўйилмай, вақтида келишиб бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Демоқчиманки, ўзаро ҳурмат, самимий муносабат ҳам ватанпарварлик саналади.

-- Япония ёшлар палатасининг ваколатхонаси жуда кўп давлатларда очилган экан. Бунда сизнинг ҳам улушингиз борми?

-- Мен Камбоджа, Қозоғистондаги ёшлар палатасининг ваколатхонаси учун масъулман.Яқинда Австралиянинг кичкина Ванаути оролида ҳам мазкур ташкилот ваколатхонасини очишда иштирок этдим.

-- Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурдасиз?

-- Илгари Ўзбекистон деган юрт борлигини мутлақо билмасдик. Чунки у собиқ Иттифоқ таркибида эди. Юртингиз мустақилликни қўлга киритгач уни жаҳон тан ола бошлади. Бу ерда фаровон келажак сари интилиш жуда кучли сезиляпти. Иқтисодиёт, саноат соҳасини тубдан тараққий эттиришга халқингиз астойдил ҳаракат қиляпти. Энг муҳими унда серғайрат, изланувчан ёшларнинг ҳам салмоқли иштироки сезилмоқда. Шундай экан Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ бўлиши аниқ.

Назокат УСМОНОВА

Шу сонга хабар

ҒОЛИБЛАР ГЕРМАНИЯГА БОРАДИ

ТошДУ журналистика факультетида “Талаба ва илмий-техник тараққиёт” деб номланган республика олимпиада танловининг якунловчи босқичи ўтказилди. Унда Самарқанд, Нукус ва Тошкент Давлат университетларидан жами ўн бир талаба иштирок этди. Олимпиада шартларига кўра, ғолиблик учун курашган барча қатнашчилар даставвал эркин мавзуда иншо ёздилар. Сўнг бўлажак журналистларнинг мутахассисликка оид билимлари оғзаки савол-жавоб тарзида синовдан ўтказилди. Шунингдек, талабалар тарих, журналистика, чет тили фанлари бўйича тест синовларини топширдилар. Уларнинг жаҳон адабиёти, тарихи, географияси ҳамда сиёсатдан нечоғлик хабардор эканликлари ҳам кўпчиликни қизиқтирди. Икки кун давом этган мазкур олимпиадада дастлабки учала ўрин ҳам ТошДУ журналистика факультети талабаларига насиб этди. Яъни, танлов шартлари бўйича энг катта балларни тўплаган факультет биринчи курс талабалари Рустам Жабборов биринчи, Камола Жўрабекова иккинчи ва VI курс толиби Зафар Омонқулов учинчи ўрин соҳиблари бўлдилар. Барча иштирокчилар Германия, Буюк Британия ва Франция элчихоналарининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Энди сўнг улар 1998-1999 ўқув йилида Германия олий ўқув юртларига малака ошириб қайтишга юборилади.

Хусан СУВОНОВ,
"Туркистон" мухбири

САМАРАЛИ АНЖУМАН

Тошкент шаҳридаги эндокринология институтида болалар ўртасида қандли диабет касаллиги бўйича 1-халқаро семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси ва Данияниинг “Ново Нордиск” компанияси ҳомийлигида ўтказилган бу анжуманда ўзбекистонлик мутахассислар билан бир қаторда, чет эллик олимлар, шу жумладан, халқаро диабет федерацияси вице-президенти Филип Хорум ҳам иштирок этди.

Анжуман аввалида Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар ўртасида диабетнинг умумий аҳволи, даволаш усуллари ва олинаётган натижалар таҳлил қилинди. Шундан сўнг чет эллик олимлар касалликнинг олдини олиш ва даволашнинг замонавий янги усуллари ҳақида атрофлича маълумот берди.

Маълумки, “Ново Нордиск” компанияси диабетология бўйича дунёнинг номдор фирмаси ҳисобланади. 1994 йилдан бошлаб Тошкентда унинг ҳудудий ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Компания томонидан Ўзбекистонда ёзги лагерь ташкил қилиниб, бемор болалар бепул даволанмоқда.

Компаниянинг мамлакатимиздаги энг кўзга кўринарли ишларидан бири 2-ТошМИ клиникаси қошида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда “Диабет асоратларини олдини олиш бўлими”нинг очилиши ва фаолият кўрсатаётганлигидир.

Семинарда бу бўлимнинг бугунги кунгача бўлган фаолияти таҳлил қилинди. Тўғрисини айтиш керак, унинг иш натижалари мамлакатимиз мутахассисларини лол қолдирди. Яқин келажакда шундай бўлимларни вилоятларда ҳам йўлга қўйиш бўйича фикрлар алмашинди.

Шерзод САИДАЛИЕВ,
Ўз мухбиримиз

Гўзаллик баҳслари

Пардоз нима?
Кўркамлик ва чиройни яратиш санъатими?
Ёхуд нафис бўёқларга чизилган чеҳра жозибасими? Балки у кайфиятни чоғлаш ё бўлмаса юзни яшартириш усулидир?! "Ҳусн ва малоҳат сеҳрини ёлғиз ошиқу файласуфларгина тушуниб етиши мумкин", деганди бир пайтлар Шамфор. Аёл зотининг бетимсол нафосати қадим-қадимдан инсониятни ҳайратга солган. Қизиғи, ер юзидаги энг лоқайд киши ҳам гўзал чеҳра соҳибаси ёнидан бепарво ўтиб кетолмайди! Шундай экан, бу каби жозибадорликнинг сирлари нимада?

ПАРДОЗ ҚИЛИШ ОДОБДАНМИ?

"Энг баркамол қиз юз эллик йилда бир марта дунёга келади,- деб ёзади инглиз ёзувчиси Жефрис. -- Бу хазинани замин ва ҳавонинг барча кучлари биргалашиб вужудга келтиради!" Гўзалларга қарата айтилган ҳазиломуз танбеҳми бу? Ёки мукаммал табиий ҳуснга билдирилган ишорами? Балки айнан шу гапда ҳақиқат бордир. "Чиройининг шуъласи етти қават парда ортидан кўзларни қамаштиргувчи малика"лар ҳақидаги эртаклар бежизга тўқиб чиқарилмагандир, ахир. Ер куррасининг қайсидир бурчагида ўтказилган "Гўзаллар конкурси"да қатнашган қизлар суврати жаҳонга машҳур журналлар ўртасида талаш бўлганини эшитгандирсиз. Дунё халқлари хотирасида икки минг йилдан бери яшаб келаётган Миср маликаси Клеопатранинг тенгсиз гўзаллиги ҳақида тарқалган миш-мишларничи? Айтишларича, Клеопатранинг буйруғи билан канизаклари уни ҳар куни эрта тонгда сут ва асал солинган сувда ювинтиришар, юзларини қовоқ ва акас эссенцияси билан яхшилаб артишаркан. Ажинлари ўрик мевасидан тайёрланган крем остида билинмай кетаркан. Бора-бора унинг териси ва юзи оқиш, лаблари эса олу ранг тус олган.

Лекин гўзаллик юзнинг жозибадорлигида десак тўғри бўлмас. Ўткир ақл, тийрак нигоҳ, ички нафосат уйғунлашуви ҳар қандай пардозсиз чеҳрага тенгсиз ҳусн бағишлаши ҳам сир эмас. Қўҳна Шарқ табиий кўркамликка йўғрилган иффату малоҳати билан ҳали-ҳануз дунёни мафтун этиб келаётгани ҳам рост.

Бугуннинг қизлари...

Бундан бир неча йиллар аввал таҳририятга олис қишлоқлик қизлар имзоси билан шундай мактуб келганди. "Биз ҳам шаҳар қизларидек, чиройли бўлиб юргимиз келади. Лекин, даланинг аёвсиз шамолидан юзларимизда доғ, сепкил... Ҳатто қўлларимиз териси шўралаб, ёрилиб кетган. Уларни йўқотиш учун биз нималардан фойдаланишимиз керак? Маслаҳат беринг..." **Шундан сўнг доғ ва сепкилларни йўқотувчи махсус кремлар номи кўрсатилиб, қизларга жавоб мактуби юборилди. Аммо, орадан кўп ўтмай ўша қизлар яна таҳририятга хат йўллашди: "Сизлар тавсия этган кремларнинг бирортаси қишлоғимиз дўконларида йўқ экан..."**

Ушбу мактуб сабаб бўлиб, қишлоқларда ҳам пардозхоналар очиш зарурлиги ҳақида мақола ёзгандим. У эълон қилингач, таҳририятга қишлоқ қизларидан дастадаста хатлар кела бошлади. Уларнинг ҳаммаси ўзларининг дил истакларини баён этишар, орзуларини ёзиб юборишарди. Орадан йиллар ўтди. Бироқ, ҳеч бир қишлоқда пардозхона очилмади...

Қизларни эса чиройли бўлиш истаги бир зум ҳам тарк этмайди. Улар кўзларига ташланган кремни сотиб олиб, ундан билиб-билмай фойдаланаверишади гоҳо. Теварак-атрофдан эшитган-билган амалларини ўзларича қўллашади ҳам. Лекин, бу хил усуллар билан "чиройли" бўлиш баъзан жуда қимматга тушади.

Аслида, қиз бола учун пардоз керакми, деган савол туғилади. Ва суҳбатлардан аён бўладики, балоғат ёшидагилар учун пардоз ортиқча жимжимадан бошқа нарса эмас. "Аёл ўттиз ёшдан ошганидан сўнггина унинг юз териси пардозга муҳтож бўлади,- дейишади шу соҳа мутахассислари. -- Шу ёшгача бўлган қизлар ўз табиийликларини йўқотмаганлари маъқул".

Гўзаллик ҳақидаги суҳбатлар эса давом этаверади.

Самарқандлик Нозима ая ҒАФУРОВА шундай дейди: -- Болалигимизда пардоз учун бўёқларни оналаримизнинг ўзлари тайёрлашарди. Масалан, "юзқизил" тайёрлаш учун лахтахор деган ўсимлик илдизини офтобга қўйиб эритишарди. Шунда қип-қизил эритма ҳосил бўлади. "Нил ўсма" хушбўй ҳидли кўкиш лойдан тайёрланган. Нақл қилишларича, илгарилари бу кўкиш лой савдогарлар томонидан Нил дарёсидан келтириларкан. "Ковул ўсма" даштларда ўсадиган янтоқсимон ўсимлик баргларидан олинади. Бу барглар қуритиб қўйилса, қиш бўйи қошингиздан ўсма изи кетмайди. Ҳайитубайрамларда қизларнинг қўлларини безатувчи "тошхина" эса тоғдаги ҳаворанглар юзидан қириб олиниб, кукун ҳолига келтирилади. Хуллас, бу табиий бўёқлар қошу-киприкларни, юзни чиройли кўрсатибгина қолмай, балки шифобахш ҳамдир. Ҳозир қизларимиз ҳовлига ўсмаю хино экиб, ундан фойдаланишга ҳафсала қилишмайди. Табиий бўёқлар тайёрловчилар эса унчалик кўп эмас...

Индира АҲМЕДОВА, врач-косметолог: -- Балоғат ёшидаги қизларнинг юз териси ўта нафис ва таъсирчан. Билиб-билмай турли хил кремлардан фойдаланилганда, бундан зиён етиши аниқ. Кўпчилик ёшлар хориждан келтирилаётган пардоз буюмларига ўч. "Олтин илдиз", "Элегия", "Марваридгул" каби кремлар терини оқартиради, ажинларни текислаб, юзни ярқиратади. Лекин бу вақтинча. Терида кремларга кўникма ҳосил бўлгач, муолажа ўз таъсирини йўқотади. Кўпчилик ўзлари фойдаланган кремлар юз терисига тўғри келадими йўқми, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмайди. Тери қатламига мос бўлмаган ҳар қандай крем ноҳуш ҳолатни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам қизлар пардоз буюмларидан фойдаланишни жуда исташса, аввало косметолог кўригидан ўтишлари керак.

МАЛИКАХОН, шифокор: -- Қишлоқда яшайдиган қариндошимизникига меҳмонга бордик. Уларнинг тўнғич қизи мактабни битириб, ўқишга кириш тараддудида экан. "Шаҳарга юр, бизникида туриб ўқийверасан" деб уни ўзим билан бирга олиб келдим. Ҳужжатларни институтга топширдик. Бизникида яшаб, имтиҳонларга тайёрлана бошлади. Ўзим икки жойда ишлайман, қизга унчалик ҳам эътибор қилолмадим, очиғи. Орадан бир ярим ойча ўтиб, бир куни қарасам... "Қишлоқлик қиз" буткул ўзгарган: узун сочлари елкадан қирқилган, эгнида енгсиз кўйлак, юзи-кўзларини обдон бўяган. Мен бу қизни астойдил ўқишга тайёрланаяпти деб ўйласам, у ҳалитдан ўзига оро бериб... Ўша куниёқ қизни уйига жўнатиб юбордим. Тўғри қилдимми йўқми билмадим, лекин беҳуда қизиқишу бемаврид интилиш қиз боланинг тақдирига раҳна солишини бир вақтлар ўз кўзим билан кўрганман.

Тамара ХУММАМАТОВА, шоира: -- Бир аёлни билардим. Қачон у ойна ёнига ўтириб пардоз қила бошласа, қизалоғи югуриб келиб уни кузатиб турарди. Шунда аёл ўзи ишлатаётган бўёқлардан қизчасига ҳам суриб қўяверарди. Бунга ўрганиб қолган қизалоқ онаси уйда бўлмаган пайтларда унинг пардоз буюмларидан фойдаланадиган одат чиқаради. Бора-бора у пардозсиз юрмайдиган бўлиб қолди. Ахир, қиз болада пардозга қизиқиш ўз-ўзидан келиб чиқмайди-да. Қиз тарбиясида аввало оналар ҳушёр туриши зарур, менимча.

Азизахон БОТИРОВА, ЎзТВ-2 да бериладиган "Дилбарим" кўрсатувининг муаллифи: -- Яқинда қизлар тарбиясига бағишланган махсус кўрсатув тайёрладик. Суратга олиш пайтида бир онахоннинг айтган гаплари мени ўйлантириб қўйди. "Илгарилари қизу келинларни юз кўринишига қараб аниқлаб олардик,- дедилар у киши. -- Тўйдан кейин ўзига салгина оро берган келин бағоят гўзаллашиб кетарди. Энди-чи? Кўчада кетаётган қиз болами ё келинми билиб бўлмайди. Пардозни қойиллатиб, келинлардай ясаниб юрадиган қизлар бор. Ахир қиз боланинг кўрки, соддалиги, одоби, одми либосларда эмасми? Буни биз қачон тушуниб етамиз?" Бундай нохуш манзараларга мен ҳам кўп марта дуч келаман. Аксарият қизлар ўзларини ҳаётга, рўзғорга тайёрлаш ўрнига юз-кўзларига оро беришни афзал билишади. Ахир момоларимиздан мерос қолган шарқона одоб, табиий кўркамлик ва камтарлик фазилатларини ўзлаштириш вақти етмадимикин?!

... Англияда қизларни жисман гўзал қилиб тарбиялаш учун махсус муаллималар ёллашаркан. Бу муаллималар кўмагида қизалоқлар соф ҳавода сайр қилиш, парҳезга риоя этиш, нафис ҳаракатларни бажариш машқини олишаркан. Чунки, гавда тузилиши мукаммал ривожланган қизларнинг юз териси ҳам ўта хушрўй бўларкан.

"Мен анчайин хунуккина, озғин бир қизча эдим,- дея журналистларга интервью беради Голливуд юлдузларидан бири, ҳинд актрисаси Шетти. -- Лекин онам ҳамиша кунлардан бир кун оққушга айланиб қолишимга ишонарди. Ҳа, онам мени "мукаммал" ҳолга келтириш учун тиним билмай ҳаракат қилди. Бугун эса мен тенгсиз гўзалман..."

Пардоз буюмларидан умуман фойдаланмаслик керак, демоқчи эмасмиз. Юз терисидаги айрим нуқсонларни яширишда гоҳо пардознинг ҳам аҳамияти катта. Лекин пардоздан ўринли фойдаланишни албатта билишимиз шарт. Ўзимиз ишлатаётган пардоз бўёқларининг тайёрланиш жараёни билан кўпам қизиқавермаймиз. Мен яқинда чет эл матбуотидан ўгирилган жиддий бир мақолани ўқиб қолдим. Унда ёзилишича, хориждан келтирилаётган айрим қимматбаҳо крем, суртма (маска)лар ва лаб бўёқлари аборт қилинаётган чақалоқларнинг нозик терисига ишлов бериш йўли билан тайёрланаркан.

Қиз боланинг ҳақиқий баҳоси нимада?

Бугунги қизларимиз рўзғор юритиш санъатини мукаммал эгаллашганми? Ота-оналари, ака-укалари олдидаги бурчларини тўғри англаб етишармикин? Ички гўзалликни акс эттирувчи муомала одоби ҳақида улар нималарни биладилар?

Кийиниш маданияти ҳақида-чи!?

Қизларимизнинг кўнгилларида не гаплар бор?

Баҳсларимиз ҳали давом этади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА



ДИЛДА ҚОЛГАН СЎЗ

Мен сизни...
Юракка яшириниб жилмаяр сўзлар,
Тилни куйдиради туйғулар тафти.
Кўнгилга айланар тим қора кўзлар.
Унда жилваланар буюк ишқ акси.
Мен сизни...
Кенгайиб кетади руҳнинг осмони,
Вужуд жимирлайди илоҳий нурдан.
Нурла покланади ҳар қалб иймони,
Иқрор ғолиб келар телба ғурурдан.
Мен сизни...
Сесканиб юлдузлар кўзини очар
Хаёланиб юзга парда тортар ой,
Шамоллар югуриб қайгадир қочар.
Ғунча титроғидан уйғонар чирой.
Мен сизни...
Оқув булутлардан томчилар ёмғир,
Райҳон гул атрига тўлади дунё,
Кўнгилга қуёшни кўчирган бу сир,
Яшасин дилларга мангу илоҳо.

Амина ҚОДИРОВА



СЕВГИЛИМГА МАКТУБЛАР

1

... Мен кўнгли юпун, Худонинг қаҳрига учраган бандаман. Мен муҳаббатнинг сарсон-саргардон кўчаларини неча бора кезиб, ҳар бир хонадон соҳибларидан меҳр тилагандим, лекин меҳр бермадилар... бу ғамлардан қутулиш, бахтиёр кунларга етиб олиш илинжида яна бир маротаба хонадонлар эшигини тақиллатдим... Бир куни ногаҳон эшик очиб, қаршимда Сиз пайдо бўлдингиз. Сиз мени танимагандек: -- Сизга нима керак?- дединги. Мен ярми иккиланиш, ярми ишонч билан меҳр борми, бўлса озгина худонинг йўлида, савоблик учун беринг,—дея ўтиниб сўрадим. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, Сиз эшикни қарс этказиб ёпдингиз... Ичимда шу заҳоти нимадир "чирс" этиб синиб кетди... Худодан сира ҳам қўрқмайдиган банда экансиз. Оёқ-қўлларим увишиб, эшигингиз остонасида ўтириб қолдим...

2

Қошларим -- Севги адашган тун... Абадий адаштиргувчи...
Қароқларинг -- Турғун огоҳларим...
Киприклар -- Бош олиб кетаётган хаёллар...
Дудоқлар -- Алданиб қолган ватан...
Ажинлар -- Ҳижроннинг битмаган чизгилари... Ҳали битмаса керак...
Кўз ёш -- Кўзим бекаси... Кўзимга келсангиз энди Сизни доимо алар қаршн оладилар... Кўзимга бир келинг...

Озода ТЎРАҚУЛОВА,
Бағдод тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги "Хитой" қишлоғи

Қалб ниҳоли

Улуғ устоз, маънавият дарғаларидан бири Мирзо Бедилнинг ажойиб шоҳ мисралари бор: "Бе реша парокандаги дона аён аст", яъни илдиз отмаган уруғ (дон)нинг парокандалиги аёндир.

Дарҳақиқат уруғда Аллоҳ таолонинг буюк қудратини кўриш мумкин. Лекин илдиз отмаган уруғни андак шамол ҳам узиб юборади. У шунда ширин заминни тарк этиб, шўр хокка бориши ва нобуд бўлиши муқаррар. Уни ҳатто чумоли ўғирлаб олгай ёки у қумурсқа озуқаси бўлгай. Илдиз отмаган уруғ чумчуқ насибасидир. У ўзини ҳимоя этолмайди. У ҳали заминга бегона, заминнинг иссиқ бағрини сезмайди. Унинг наслу насаби ноаёндир. Унинг муқим жойи бўлмайди. У худбинлик қобиғини тарк этган эмас, ўзини фидо қилиб юзлаб уруғлар ярата олмайди. Агар у илдиз отолмаса Аллоҳ унга ато этган миллион йиллик қудрат, фазилат, рангларни яксон этади. У агар илдиз отолмаса ўтимиши ҳам, келажаги ҳам барбоддир.

Хўш, уруғни биз нега мисол келтирдик? Ёшлар ҳам мана шу уруғ-дон каби. Агар уларда ҳам илдиз бўлмаса, андак шамол уларни ёмонлик, аниқроқ қилиб айтганда, уруғлик, каззоблик, нашавандлик, отабезорилик жарига улоқтириши тайин!

Ўз ерига мустаҳкам илдиз отган киши -- маънавий баркамол ҳисобланади. Маънавият илдизи мустаҳкам бўлса, ҳар қандай кучли шамолга инсон тоб бера олади. Маънавият -- бу миллий ғурур, ватанпарварлик, миллатпарварлик ҳисобланади. Инсоннинг илдизи ҳам мана шулар.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов: "Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади!"- дедилар. Дарҳақиқат тўғри! Аждодлар ўгитида ҳикмат катта!

Бундан тўрт-беш йил муқаддам биз Минораи Калон ёнидан ўтиб кетаётган эдик. Қарасак, икки ўсмир тўп тепаяпти. Улар Мир Араб авлиёсига ўрнатилган туғни нишонга олиб тўп тепаяпти. Ахир улар обидани тепаяпти-ку! Ахир улар тарихимизнинг жонли саҳифаларидан бирини тепаяпти-ку! Ахир улар ота-бобомиз мозорини тепаяпти-ку!

Бизнинг қўлларимиз беихтиёр мушт бўлиб тугилди. Дилда нафрат, кўзда ғазаб билан ўсмирларга яқинлашамиз. Улар эса парвойи фалак, бутун жаҳонни унутиб завқу шавқ билан тўп тепаяпти.

Шунда ажиб бир воқеа бўлди. Билмадим ерданми, осмонданми бир нуроний чол пайдо бўлдилар. У киши уловларидан тушиб, эҳтиром билан дуога қўл очдилар. Беихтиёр бизнинг тугилган қўлларимиз ҳам дуога очилди. Тўп ўйнаётганлар ҳам дуога қўл очди. Дуо тугади. Бобо тўғри ўсмирлар ёнига келиб, улар билан қўл ушлаб кўришдилар ва: "Болаларим, бу ерда улуғ нақшбандий, катта авлиё, Ватанимиз ҳимоячиси, катта олим, бениҳоят сахий зот Ҳазрат Мир Араб дафн қилинган. Ул кишининг оёғи томонидан Амир Убайдуллохон ва бошқа зотлар кўмилган",- деб тарихни ҳикоя қилдилар. Ул зотларнинг халққа этган хизматларини тушунтирдилар. Суҳбат охирида: "Аллоҳ сизларнинг умрларингизга, ризқингизга, наслларингизга барака берсин! Яқинда бу жойлар обод бўлади. Илоҳим бу ерларни обод этганларни Аллоҳ икки дунёда саодатманд айласин!"- деб дуо қилдилар ва уловларини етаклаб анча жойгача боргандан сўнг миндилар. Назардан пинҳон бўлдилар. Бу зот чамамда Хизрбобо эдилар. Мен у кишини қайта учратмадим. Лекин ҳалиги икки ўсмирда катта ўзгариш бўлди. Уларда гўё илдиз пайдо бўлди. Қалбларидаги маънавият ниҳоли илдиз отди. Улар бобонинг маънавият нури таъсирида ўз тарихларини кўрди. Уларнинг кўзи очилди. Этаётган гуноҳини ҳис қилди, сидқидилдан тавба этди.

Бу воқеа бизга ҳам катта маънавий сабоқ ҳисобланади. Ёшлар тарбиясида маънавият устуворлигига эришилса ҳар томонлама етук ватанпарварлар чиқади.

Садриддин Салим БУХОРИЙ

Туш

"Ўғилгинам, соғ-омон юрибсанми? Оч-наҳор қолмаяпсанми? Сигирни ҳар соғишимда энг олди қаймоғидан ризқингни олиб қўяман. Ариқ бўйидан ялпиз териб қўйган эдим. Кўкатли овқатларни яхши кўрасанку! Келишингни билиб кўк сомса ёпиб қўйдим..."

Жияним сочимни тўзғитиб ўйнаётганидан уйқум бузилди. Ундан "хафа бўлдим". Раҳматли онамни тушимда яна қачон кўраман, билмадим?! Киприкларимдаги намни гўдакдан яширмоқчи бўламан, аммо уддалаёлмайман.

Онажон, рости ҳаётлигингизда сизнинг қадрингизга етмаган эканман. Энди кечиринг, дейишдан ўзга сўз тополмай, ўт орасида қолган одамдай тоқатсизланаяпман. Онажон, эслаб кўрсам сизни бирор марта туғилган кунингиз билан табрикламаган, жилла қурса ёнингизда бир кеча ўтириб дилбар суҳбатингизни олмаган эканман. Ҳали у иш, ҳали бу ишни рўкач қилиб, шаҳарга чопибман. Бугун юрак армонларга қўналға. Қалб соғинчлардан, изтироблардан қовжираётир...

Яқинда укамни уйлантирдик. У бир кун олдин: "Ака, тўйимизни видеога ёздириб олмоқчиман, -- " деди. "Майли" дедим. Ахир бу бир умрда эсда қоладиган унутилмас воқеа. Шунақа экан ДУНЁ. Тўй бўлса хотира бўлиб қолсин дерканмиз-у, ота-онамизнинг овозларини ёзиб олишни хаёлга келтирмас эканмиз... Уларнинг ғанимат овозлари ҳар қандай тўйдан-да муқаддас ва азиз эканлигини энди ҳис қиляпман. Бугун эса сизни фақат тушларимда кўраман, холос. Яхшиям-ки, бу дунёда лоақал туш бор...

Мухтор БЕК,
Тошкент

Жиноят ва жазо

ШАЙТОНГА ҲАЙ БЕРМАГАН АЁЛ

1997 йилнинг март ойи. Дов-дарахтлару қир-адирлар чиройга бурканган. Ана шундай кунларнинг бирида Боймирзаев номли ҳиссадорлик жамияти ҳудудида тарқалган совуқ хабар бир зумда Бўстонлиқ туманига ёйилди. Эмишки, Бўстонлиқ далаларида жонига қасд қилган ёшгина қизнинг жасади топилибди...

Афсус бу ҳақиқат эди. Мазкур жамиятга қарашли 5-бригада олмазорлари орасида Феруза Нортоеванинг жасади топилган.

Хўш, бундай қотилликка ким қўл урди? Хали ўн гулидан бир гули очилмаган 14 ёшли қизчада кимнинг қасди бор эди?

Феруза Нортоева бизнес-ҳунар мактабининг 1-курсида таҳсил олярди. Февраль ойлари эди. У ҳам курсдошлари қатори ошпазлик сабоғидан амалий тажриба орттириш мақсадида мактаб ошхонасига келди. Айнан мана шу ёшда инсон бутун борлиғи билан гўзалликка ошуфта бўлади, бир олам орзулар қўйнида яшайди. Ошхонани шодликка тўлдирган қизалоқлар даврасига мактабда ҳамшира бўлиб ишловчи Дилфуза Мирзаҳмедова қўшилди-ю, барчанинг кайфиятини пучга чиқарди. Талабаларнинг санитария холатини текшириш учун кирган ҳамшира бош кийим ва халатсиз бўлган Фарузани кўргач, ўзининг нафақат касбий, балки инсоний бурчини унутиб, у билан жанжаллаша кетди. Ёш қизалоқнинг ориятига тегадиган ҳар хил сўзлар билан ҳақорат қила бошлади, бу ҳам етмаганидек дўппослади. Дугоналари жанжални тўхтатишга хар қанча ҳаракат қилишмасин бунинг уддасидан чиқолмадилар. Яхшиямки, билим юрти мураббийси, касб устаси Равшан Турсунбоев кириб келиб, тўпалонга чек қўйди.

Шу ўринда мулоҳазали фикр туғилади. Ахир ҳамшира Дилфуза Мирзаҳмедова Фарузага барча қонун-қоидаларни ширин сўз билан тушунтирса бўлардику. Бироқ Дилфуза бундай қилмади.

Хуллас, ошхонадаги жанжалдан кейин қиз ўзининг ҳамшира Д. Мирзаҳмедова томонидан қаттиқ калтакланганлиги тўғрисидаги воқеалар баён этилган аризаси билан мактаб раҳбари ҳузурига кирди.

Директор бўлиб ўтган кўнгилсизликдан хабардор бўлган ва уни ўз кўзи билан кўрган гувоҳларни тўплаб, уларнинг фикрини ўргангач, ҳамшира Д. Мирзаҳмедовани ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Мансабидан жудо бўлган ҳамшира энди чинакамига Ферузага қарши кураша бошлайди. Унинг уйига бориб, директор номига ёзилган аризаси ёлғон эканлиги ҳамда унда ҳеч қандай даъвоси йўқлигини ифодаловчи такрорий ариза ёзиб беришни талаб қилади. Акс ҳолда умри "разборшик"лар қўлида хазон бўлишини айтиб, муштипар қизни ва хонадон аъзоларини дўқ-пўписа билан қўрқитади. Дилфузанинг гапларидан қўрққан Ф. Нортоева унда ҳеч қандай даъвоси йўқ эканлигини ифодаловчи ариза ёзиб, ҳамшира билан биргаликда директор қабулхонасига киради. Афсуски, ғишт қолипдан кўчган эди...

Шундан сўнг Дилфуза Мирзаҳмедова ўзининг ким эканлигини Ферузага кўрсатиб қўйиш пайига тушди ва бунинг уддасидан чиқди.

Суд 14 ёшли қиз -- Феруза Нортоеванинг ўлимида Дилфуза Мирзаҳмедовани ҳам айбдор деб топди. Ф. Нортоева ўз қадр-қиммати, шаъни, Д. Мирзаҳмедова ва унинг шериклари томонидан муттасил равишда камситилгани ҳамда ҳақоратлангани туфайли ўз жонига қасд қилган.

Суд судланувчи Дилфуза Мирзаҳмедовага нисбатан жазо тайинлашда, унинг муқаддам судланмаганлиги, қарамоғидаги вояга етмаган фарзандини отасиз улғайтираётгани ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 103-моддаси 1-қисми билан уч йилга озодликдан маҳрум қилди.

Ўзбек аёли. Сенга қачон ва қайси даврда суднинг қора курсисида ўтириш ярашган эди. Наҳотки орқангдан эргашиб юрган ибо, ҳаё каби олийжаноб фазилатлардан юз ўгириб шайтон ортидан эргашган бўлсанг?

Анора ҚОДИРОВА,
Тошкент вилояти прокурори ёрдамчиси,
Рўзибой Азим,
"Туркистон" мухбири

Бугун бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида юзага келган муаммолар киночилик соҳасига ҳам сезиларли таъсир ўтказган бўлсада, кейинги беш-олти йил ичида ўзбек кино ижодкорлари томонидан турли хил жанрдаги ўнга яқин фильм мухлислар, халқимиз эътиборига ҳавола этилди... Мана, яқинда ҳар-хил эмиш-эмишлар барҳам топиб, таниқли кино усталари томонидан халқимизнинг севимли ёзувчиси А.Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романи асосида қайтадан суратга олинган икки қисмдан иборат фильм илк бор экранларга чиқди. (Ҳар хил узунқулоқ гапларга қараганда мазкур уч соат давом этадиган киноасар учун сарфланган харажат қиймати нақ олтмиш (60) миллион сўмдан ошармиш...) Шу ўринда ўз-ўзидан бир савол туғилади. Хўш, улуғ адибимизнинг буюк асарлари асосида 60-йилларнинг охирида ажойиб фильм яратиб қўйилгани ҳолда, бу ишга қайта қўл уриш шартмиди? Гарчи, орадан ўттиз йилча вақт ўтган бўлсада, у фильм ҳали-ҳануз ўз мухлисларини йўқотмай келаётган эди-ку..? Умуман мазкур янги киноасарини халқимиз, кенг жамоатчилик қандай қабул қилди?

БУГУНГИ "ЎТКАН КУНЛАР"

Мэлс АФЗАЛОВ, фильм режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби:

-- Мен аввало, бир саволга жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрсам... Ростдан-да, нима сабабдан биз ''Ўткан кунлар'' романини қайта суратга олишга жазм этдик? ... Биринчидан, сир эмаски, ўша собиқ тузум даврида олинган фильм маълум бир қолипга солиниб, асосан икки ёшнинг муҳаббатини ёритиб берадиган кино асарига бўлиб қолган эди. Ундаги энг асосий, энг муҳим фикрлар, ғоялар туширилиб қолдирилган эди... Истиқлолга эришганимиздан сўнг кўнглимизда ''Ўткан кунлар'' -дек халқимиз қўлдан қўймай, севиб ўқийдиган ажойиб романимизни қайта фильм қилиш истаги пайдо бўлди. Биз аввалги ''Ўткан кунлар'' фильмига чуқур ҳурмат сақлаган ҳолда, олдимизга суюкли адибимизнинг руҳларини янада шод этишга интилиш, у киши қолдирган асл миллий романимизни асллигича, тўлалигича экранга олиб чиқиш мақсадини қўйган эдик. Биз қанчалик ўз мақсадимизга эришдик, ҳақиқий баҳони мухлислар, томошабинлар беради...



Беҳзод МУҲАММАДКАРИМОВ, Отабек роли ижрочиси:

-- Дастлаб мени бу ролга таклиф этишганда розилик бермадим. Чунки, бу мен учун Ўлмас акага нисбатан ҳурматсизликдай бўлиб туюлган эди. Қолаверса, ўзимни бу ролга унчалик лойиқ ҳам деб ҳис этолмадим... Ниҳоят, Мэлс ака билан бўлган ўзаро фикрлашувлардан сўнг, ҳамда кўпчилик мени шу ролга лойиқ деб топганини эшитиб, ўзимни синаб кўришга қарор қилдим... Биздан ''Бу фильмни нима учун қайтадан суратга олмоқчисизлар?'' деб кўп бор сўрашди. Бугунги кунда ҳам бундай савол билан мурожаат қилаётганлар йўқ эмас... Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, аввалги фильм қайси даврда, қандай тузумда яратилган эди?! Ўша собиқ шўролар тузуми тазйиқи остида ''Ўткан кунлар'' романининг ўзи ҳам "қайчиланган" ҳолда чоп этилган эди-ку!.. Озод кунлар шарофати билан ушбу асар улуғ адибимиз қандай ёзган бўлсалар шундай, ҳатто бир сўз ўзгартирилмай, асл варианти бўйича чоп этилди. Демак, ўз-ўзидан фильмни ҳам қайтадан асл ''Ўткан кунлар'' бўйича суратга олиш зарурати туғилган эди...

Миллий романчилигимизнинг илк намунаси бўлган бу асар халқимизнинг ўша хон замонлари пайтидаги маданиятини, маънавиятини, ўзига хос урф-одатларини, маросимларини жуда гўзал қилиб тасвирлаш билан бирга, бизни асрлар оша оёғимиздан чалиб келган бир иллатимиз-маҳаллийчилигимиз, уруғ-аймоқ ажратишимиз ва бу қандай оқибатларга олиб келганлиги ёрқин бўёқларда, қодирийча қилиб тасвирлаб берилганки, бу ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Биз асардаги худди мана шу долзарб жиҳатларни айнан экранга кўчиришга ҳаракат қилдик...

Анвар ИСЛОМОВ, ТошДУ ходими:

-- Сезилиб турибдики, киномуаллифлар иложи борича асарни тўлароқ экранга кўчиришга, унинг асл савиясига путур етказмай, мухлислар талабига жавоб берадиган фильм қилишга ҳаракат қилганлар... Лекин, назаримда фильм сал шошиброқ ишланганга ўхшайди, баъзи бир кўринишлар ишончсизроқ чиққан.. Ролларга актёр танлашга ҳам жиддийроқ ёндашилмаган.

Шарифа МАДРАҲИМОВА, ТошДУ талабаси:

--Ижодкорлар А.Қодирий романига андак беэътибор бўлгандеклар, назаримда. Масалан, Юсуфбек ҳожи, Ўзбекойим, Отабек суҳбатида ҳаммамиз кутган "Ўғлим, биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик" деган гапи сценарийдан тушиб қолган. Яна бир шундай мисол: Отабек уйланиш дарагини эшитиб, Марғилонга қайнота-қайнонасидан узр сўрагани бориб, ўша ерда туриб қолганда Кумушга ''Энди Тошкентга қайтиб кетмайман'' деган гапи ҳам айтилмай қолгани синчков томошабинни андак ранжитиши мумкин.

Романда ҳар икки қуданинг меҳмон бўлиб Ўзбекойим хонадонига келиши ва у ердаги адовату гина, кинга тўла суҳбат бор. Лекин фильмда бу нарса суратга олинмаган. Ахир Кумуш ва Зайнаб ўртасидаги зиддият худди шу ерда бошланади-ку!

Назира УСМОНОВА, талаба:

-- Романда Юсуфбек Ҳожи келинини пешонасига қўл юбориб, сўнгра ўз қўлини ўпиши керак эди, фильмда эса қайнота ўзбекларга хос бўлмаган одат билан келин пешонасини икки қўли орасига олиб ўпади. Бу Юсуфбек Ҳожига тамоман мос келмаган бир ҳаракат, томошабинга эриш туюлади.

Турғун Алиматов ижросидаги куй Отабек билан бирга томошабинни ҳам йиғлатади. Биринчи муҳаббатнинг хазон бўлиши, топталишини эслатади...

Парихон АЛЛАМБЕРГАНОВА, ТошДУ талабаси:

-- Фильмни уч соат киприк қоқмай кўрдим... Фақат баъзи бир актёрларнинг кийимлари замонавийроқ бўлиб қолгандай туюлди. Отабек номидан Ҳомид уюштирган қалбаки хатни Кумуш олгандан кейинги кўринишларни эсланг... Қутидор Отабекни уйига киритмай, эшикдан қайтаради... Уйда қизи Кумуш билан ўтирган Офтобойимнинг устидаги кўйлак бугунги замонавий газлама ''миллионерка''дан тикилган, назаримда...

Хусан СУВОНОВ, ''Туркистон'' мухбири

Биз юқорида ўзбек миллий киночилиги хазинасига яна бир улуш бўлиб қўшилган "Ўткан кунлар" киноасари ҳақида муаллифлар ҳамда унинг томошабини бўлган талабаларнинг шахсий фикр-мулоҳазалари билан танишдик.

Туҳфа

ВАТАН -- ОЛТИН БЕШИК

Ўғлим Ойбекка

Ўғлим.
Ватан онанг каби муқаддас.
У ишқдай жой олсин қалбинг тўридан.
Кўздай асра юртни, кипригингда тут,
Меҳр эмиб турсин юрак кўридан.

Бўлиқ тупроғида унган гул, майса,
Синглингдай суюкли, ардоқли бўлсин.
Гулзорга, боғларга айлантир чўлни,
Жаннатдай хуш бағри булбулга тўлсин.

Ўғлим.
Ватан чексиз, кезиб чиқ шодон,
Жавоҳир тошин ўп, ғururга тўлиб.
Ғуборин кўзингга айла тўтиё,
Жайронни эркала, синглингдай билиб.

Ватан -- олтин бешик.
Ўланинг, куйинг.
Ўзингдай ардоқлаб, сев уни, болам.
Комил инсон бўлиб, камолга етсанг,
Ватанга муносиб фарзандсан сен ҳам.

ШОИРЧАНИНГ БОШЛАНИШИ

Деворий газетанинг
Байрам сони осилди.
Унда менинг ҳам кичик,
Табрик шеърим босилди.
-- Илҳом париси ким? -- деб,
Ўртоқларим кулишар.
Ҳаваси келиб қизлар
Ортимдан гап қилишар.
Партадошим Нилуфар
''Саводсиз'', дерди доим.
Энди бўлса, уялиб,
Кулиб қўяр мулойим.
Қизлар шу-да, ўйламай,
Баҳо берар одамга.
Уйга келиб, шеър учун
Раҳмат, дедим дадамга.

''ДОВЮРАКЛАР''

Чўмиляпмиз,
Маза қилиб.
Қўрқоқларни
Изза қилиб.
Довюракмиз,
Қўрқмаймиз.
Тоғорада
Чўкмаймиз.

Муқим ҚОДИРИЙ,
Бўз шаҳар муаллимлар билим юрти ўқитувчиси

ОЛИМЛАР ТАШАББУСИ

Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети гуманитар факультетларининг ўқитувчилари «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни тарғиб этиш ва тушунтиришга ўз ҳиссаларини қўшишга аҳд қилишди. Олий ўқув юртининг эллик нафардан ортиқ профессор ва доценти дин тўғрисидаги қонуннинг асосий қоидаларини, унинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятининг ҳуқуқий жиҳатдан белгиланишини тушунтириш учун вилоят туманларига жўнаб кетди.

- Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида Ўзбекистон олимларига мурожаат қилиб, дин билан боғлиқ муаммолардан четда турмасликка даъват этгани бизни бу ишга руҳлантирди, - дейди университетнинг биринчи проректори, профессор Х.Бобожонов. - Корхона ва хўжаликларнинг меҳнат жамоаларида, шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда бўладиган учрашувлар чоғида ўқитувчиларимиз Ўзбекистонда қурилаётган демократик ҳуқуқий давлатда виждон ва динга эътиқод қилиш эркинлиги қонун асосида амалга оширилиши, диний маросим ва муқаддас ақидалар эса, одамларнинг маънавий жиҳатдан бойишига хизмат қилиши лозимлигини тушунтиришади. Улар Хоразм тарихида из қолдирган ўтмишдаги мутафаккирлар асарларидан мисоллар келтириб, ҳақиқий дин ақидапарастлик ниқобига яширинган жиноий ниятларга бутунлай зид эканини исботлаб беришади.

Вилоят ҳокимлиги университет олимлари ташаббусини маъқуллади. Бу тадбирга эндиликда Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда «Нуроний» ва «Камолот» жамғармалари маҳаллий бўлимларининг фаоллари ҳам қўшилди.

Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

ИНЪЕКЦИОН ДОРИЛАР ХУСУСИДА САВОЛЛАР:

1. Ўзбекистонда контрацептив инъекцион дориларнинг қандай турлари мавжуд ва улар бир-бирларидан қандай фарқланади?
2. Ҳайз кўрмасликнинг сабаби нимада?
3. Инъекцион контрацептивлардан фойдаланишнинг афзаллик жиҳатларини биласизми?
4. Инъекцион дорилардан фойдаланишга чек қўйгандан сўнг қанча муддатдан кейин аёл яна ҳомиладор бўлиши мумкин?
5. Инъекцион контрацептив дорилардан фойдаланиш чоғида танаффус қилиш мумкинми?

''ТУРКИСТОН'' ГАЗЕТАСИ АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР БЕРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ.

''Қизилтозма'' дастурининг ахборот хизматига зудлик билан қўнғироқ қилинг 47-35-57.
Бу ерда ишончли, замонавий ва хавфсиз контрацептив дорилар ҳақида маълумот беришади.
Душанбадан шанбагача соат 8.00 дан 18.00 гача июнь ойидан соат 8.00 дан 20.00 гача.

КЎКРАК РАКИ НИМА?

Кўкрак раки бу хавфли ўсма бўлиб, у мазкур орган тўқималарида пайдо бўлади.

Мазкур хасталик кўпроқ аёлларда, баъзан эркакларда ҳам учрайди.

Кўкрак ўсмаларининг ҳар хил турлари бор. Кўкрак ўсмалари кўпинча хавфсиз бўлиб, улар кўкрак атрофидан бошқа органларга тарқамайди ва ҳаёт учун хавфли эмас. Бошқа турлари эса саломатликка хатарлидир.

КЎКРАК РАКИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳозирча у нимадан пайдо бўлиши номаълум. Аммо бундай хасталикка 50 ёшдан ўтган аёллар кўпроқ чалинади.

Хасталикка дучор бўлмаслик учун ҳар бир аёл америкалик онкологлар ишлаб чиққан тавсияларга риоя қилишлари зарур;

Йигирма ёшдан кейин аёллар ҳар ойда ўз кўкракларининг ҳолатини тадқиқ қилиб боришлари лозим. Бирор нохуш ўзгариш сезилса, врачга мурожаат қилиши керак.

20 ва 39 ёшлар ўртасидаги аёллар ҳар уч йилда бир марта мутахассис врач кўригидан ўтиши лозим.

Қирқ ёшдан сўнг ҳар йили шундай кўрикдан ўтиш тавсия этилади.

Ажиб дунё

ТЎРТ СОНИНИНГ ХОСИЯТИ

Қадимдан алломалар ҳаёт тўрт нарсага яъни ер, сув, ҳаво, қуёшга боғлиқлигини уқтириб келадилар. Шунингдек, йил ҳам тўрт фаслдан иборат. халқимизда тўрт мучаси соғ одам соғломдир, деган гап бор. Табиблар ҳам беморларни даволашда тўрт мижозга -- иссиқлик, совуқлик, қуруқлик, намлик кабиларга амал қиладилар.

Нужум илми заҳматкашларидан Муҳаммад Аваз ибн Садриддин Қоратоший ''Мажмуат ул-аҳком'' асарида кўрсатишича Ойнинг тўртинчи куни қутлуғ кундир. Боиси бу кунда Ҳазрат Муҳаммад Мустафо Саллалоҳу алайҳи вассалламнинг туғилган кунларидир.

Аллома Абу Райҳон Беруний ҳам тўрт сонининг хосиятига ишора қилиб, қуйидагиларни ёзиб қолдирганлар:

-- Тўрт нарса туфайли киши орзу ниятига эришади: ғайрат, ирода, матонат ва ҳиммат.

-- Тўрт нарса одам кўрки: ҳаё, сабр, раҳм-шафқат, мурувват.

-- Тўрт нарса кишига ҳузур бахш этади: очиқ юзлилик, ширин сўзлилик, тежамлилик ва гўзал, доно хотин.

-- Тўрт нарса кишига бахт келтиради: ёр-дўстлар маслаҳати билан иш тутиш, аччиқ сўзни ютиб юбориш, нафсга берилмаслик, хушмуомалалик...

Рим ҳукмдори Карл IV ҳам ҳаётида 4 рақами хосиятли бўлган. У шу тўрт сон мени бахтли қилган, дейди. Балким шундан бўлса керак, мамлакат пойтахтини ҳам тўрт князликка бўлиб қўйган, ҳукмдорликни тўртта саройда олиб борган. Ҳар бир сарой қошида биттадан, яъни тўртта уй бўлиб, ҳар бир уйда эса тўрттадан деразa қурдирган экан. Уйларда тўрттадан қандил, тўрт стол, ҳатто эшиклари ҳам тўрттадан бўлган. Император тўрт рақамини яхши кўрганидан ўзига тўрт хил тож тайёрлатиб, ҳар бир тожи тўрт қиррадан иборат экан. Ҳатто империясини тўрт бўлакка, лашкарларини эса тўрт қисмга бўлган. Император ҳамиша тўрт от қўшилган файтунда юрган, ўзи эса тўрт тилни билган.

Шунингдек, у тўрт маҳал овқатланишга одатланган. Умр бўйи тўрт хотинга уйланиб, тўрт ўғил кўрган. Император жон таслим қилаётганида эса тепасида тўрт шифокор, тўрт дин пешвоси туриб, васиятномасини тўрт тилда ёзиб олишган экан. Тақдирни қарангки, ҳукмдор тўрт рақамини ҳаддан зиёд яхши кўрганиданми, 1378 йилнинг 29 ноябрида, яъни ҳафтанинг тўртинчи куни роппа-роса соат тўртда оламдан ўтган.

О.ҚЎЧҚОРБЕКОВ тўплаган

Яқинда мамлакатимизнинг 16 шаҳрида Ўзбекистон Кубоги баҳонаси билан олий ва биринчи лига жамоалари ''аралашдилар''. Бу ''олий''даги ''акалар'' учун чемпионатдан бир оз дам олиш бўлгани ҳолда ''ука''ларга алоҳида бир синов вазифасини ўтади. Кўпчилик, ўйинлар ''биринчи''ларнинг майдонида ўтгани учун, ғолиб 16 жамоанинг барчаси ''акалар'' бўлади, деб тахмин қилганлари аниқ. Бироқ 1/8 финалга йўл олган 16 жамоанинг, қарийб ярми, яъни 7 таси биринчи лига вакиллари бўлса, қолган 9 жамоа олий лигагa тегишли. Бу кўрсаткич нимадан далолат бериши мумкин?

КУБОК: Ё ЗЎРИНГ БЎЛСИН, Ё...

Энг аввало, биринчи лига жамоаларининг бу йилги чемпионатга тайёргарликлари, ўйин савияси анча ошганидан десак ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Аммо бошқа тахминларни ҳам келтириш фойдадан холи эмас. Масалан, Ўзбекистон Кубогини қўлга киритган жамоа, таъбир жоиз бўлса, мамлакат чемпионатининг эгизи ҳисобланади ва у келгуси йили Осиё кубок эгалари Кубогида юртимиз шарафини ҳимоя қилади. Шундай экан, ўз-ўзидан маълумки, ғолибликни қўлга киритиш осон эмас. Бунинг асосий (тўғрироғи, оддий кўзга кўринмайдиган, (''парда ортидаги'') сабабларидан бири миллий чемпионатда омади кулмаган кучли жамоалар (яъни чемпионлик давонини забт этишга ''кўзи етмаган''лар) бор куч ва имкониятни кубок учун сарфлайди. Бу йўлда ҳатто унча-мунча ''нарса''дан қайтмайди ҳам (ўтган йилги кубок курашларининг финалидаги ''Пахтакор'' -- ''Нефтчи'' учрашувини эсланг!)

Яна чемпионат баҳсларидан фарқли ўлароқ, кубок курашларида мағлубиятга учраган жамоанинг ўйиндан чиқиши ҳам мазкур беллашувларнинг аҳамиятини оширади.

Энди масаланинг иккинчи томонига, аммо...дан кейинги мулоҳазаларга ўтсак, юқорида санаб ўтилган сабаблардан аёнки, кубокни қўлга киритиш ҳазилакам гап эмас.

Энди 1/16 финал учрашувларининг натижалари билан танишинг:

1. ''Истиқлол'' - ''Сўғдиёна''-- 1:4
2. ''Шаҳрихон'' - МҲСК -- 4:2
3. ''Роҳат'' - ''Бухоро'' -- 1:3
4. ''Янгиер'' - ''Пахтакор'' -- 1:4
5. ''Орол'' - ''Хоразм'' -- 2:1
6. ''Қизилқум'' - ''Насаф'' -- 1:3
7. ''Самарқанд'' - ''Косонсой'' -- 2:0
8. ''Шўртан'' - ''Нефтчи'' -- 0:3
9. ''Лочин'' - ''Металлург'' -- 3:0
10. ''Хива'' - ''Андижон'' -- 6:0
11. ''Ситора'' - ''Дўстлик'' -- 2:0
12. ''Шўрчи'' - ''Сурхон'' -- 2:0
13. ''Машъал'' - ''Трактор'' -- 1:3
14. ''Тўқимачи'' - ''Зарафшон'' -- 1:1 (қўшимча вақтда 2:1)
15. ''Чилонзор'' - ''Навбаҳор'' -- 1:7
16. ''Атласчи'' - ''Темирйўлчи'' -- 0:1

Миллионлар ўйини



Кўриб турганингиздек, энг йирик ҳисоб Тошкентда, биринчи лига аутсайдери ''Чилонзор'' ва олий лига пешқадамларидан бири ''Навбаҳор'' учрашувларида қайд этилди ва бу ажабланарли эмас. Аммо Хивадаги андижонликларнинг 6:0 ҳисобидаги мағлубияти... тамоман антиқа! Қолган учрашувларнинг натижаси деярли кутилганидек, унча ҳайратли эмас.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Кубогининг 1/8 финали учрашувлари 3 июнь куни қуйидаги жуфтликлар ўртасида бўлиб ўтади:

1. ''Дўстлик'' -- ''Хива''
2. ''Пахтакор'' -- ''Лочин''
3. ''Навбаҳор'' -- ''Орол''
4. ''Нефтчи'' -- ''Шаҳрихон''
5. ''Темирйўлчи'' -- ''Сўғдиёна''
6. ''Трактор'' -- ''Самарқанд''
7. ''Бухоро''-- ''Шўрчи''
8. ''Насаф'' -- ''Тўқимачи''

S.S. Эслатиб ўтамиз, 1/8 финал учрашувлари номлари биринчи кўрсатилган жамоалар майдонида бўлиб ўтади. Ғолиблар бир учрашув натижасига кўра 1/4 финалга чиқиш ҳуқуқини киритадилар.

БЕКОБОДНИНГ ШАМОЛИ ПЕШҚАДАМГА ҚАРШИ

Бироз танаффусдан сўнг миллий чемпионат баҳслари яна бошланди. Олий лига вакиллари куни кеча 10-тур мусобақаларини ўтказди.

Мазкур турнинг марказий учрашувларидан бири, Тошкентда ''Пахтакор'' -- ''Дўстлик'' жамоалари ўртасида бўлди. Ҳар йили бу икки жамоа баҳслари кескин ва муросасиз кечади. Боз устига ўтган тур ушбу жамоалар учун омадсиз бўлди. Шу сабабли ўйин роса қизиса керак, дея ўйлагандик. Афсуски...

Учрашув бошлангач ўйинчилар негадир суст ҳаракат қила бошлашди. Буни биз эҳтиёткорлик деб қабул қилдик. 11-дақиқада меҳмонлар қарши хужум уюштираётиб хатога йўл қўйдилар. Чаққонлик билан тўпни эгаллаб олган Миржалол Қосимов дарҳол Дилмурод Назаровга узатди ва Вячеслав Сирота билан ''дуэль''га чиққан хужумчи аниқ ҳаракат қилиб, ҳисобни очди -- 1:0. Шундан сўнг ўйин суръати сал ошгандай бўлди. 16-дақиқада ''Дўстлик'' жамоасининг ҳужуми жуда хавфли эди, бироқ дарвозабон билан яккама-якка чиққан Фарид Ҳабибулин деярли очиқ қолган дарвозага тўпни йўллай олмади...

Иккинчи бўлим ҳам шундай ''совуқ'' давом этди. Ўйинчилар гўё ўртоқлик учрашувида тўп сураётгандай эдилар. Тўп оширишдаги қўпол хатолар меҳмонларга қимматга тушди. ''Дўстлик'' дарвозабони Сирота тўпни эркин ҳолда ўйинга киритаётиб Дилмурод Назаровни ''нишон''га олди. Бу ''сийлов''нинг қадрига етган Дилмурод ''сахий'' дарвозабонни алам билан орқага қарашга ''мажбур'' қилди.

Шу вазиятдан кейин меҳмонлар ҳам ҳужумни кучайтирдилар ва оқибатда иккинчи бўлимда майдонга тушган Павел Кайгородов Бугало қўриқлаётган дарвозани аниқ нишонга олиб, ҳисобни 2:1 га етказди ва учрашув охиригача шу ҳисоб сақланиб қолди.

Мусобақани ўйингоҳга ташриф буюрган 8 минг ишқибоз тўғридан тўғри кўрган бўлсалар, бошқалар ойнаи жаҳон орқали кузатганликлари аниқ.

Иккинчи бўлим бошларида меҳмонлар жарима майдони яқинида ўйин қоидаси бузилди,Миржалол Қосимовга нисбатан. Жарима тўпи белгиланди. Биз ўйладикки, ҳозир шу вазият қайтарилади. Қаёқда, унинг ўрнига реклама беришди. Рекламага эътирозимиз йўқ (бу уларнинг иши). Айнан шу вазиятнинг қайта кўрсатилмаслиги ҳакам хукмига нисбатан шубҳа уйғотиши табиий. Қолаверса жарима майдонининг чап бурчаги ''Миржалолга қарашли''. Аввал ҳам худди шундай холат юз берган эди. ''Трактор'' билан бўлган учрашувда худди шу жойда Миржалолни тўхтатишгани учун жарима тўп белгиланган ва бу вазият ҳам қайта кўрсатилмаган. Яна ўша учрашувда 11 метрлик жарима тўпининг белгиланиш ''сабаб''лари ''негадир'' қайтарилмади.

10-турнинг ''шов-шуви'' Бекободда кўтарилди. ''Металлург''чилар чемпионат пешқадами ''Сўғдиёна''ни қабул қилиб, 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энг йирик натижа Қаршида қайд этилди. ''Насаф'' жамоаси пойтахтнинг ''Трактор''ини 5 та жавобсиз тўп билан ''сийлаб'', навбатдаги ғалабани қўлга киритишди. Энг кўп мухлис эса, ''Хоразм'' ўйингоҳига йиғилди. 22 ярим минг ишқибозларга, афсуски битта гол томоша қилиш ҳам насиб этмади: ''Хоразм'' -- ''Сурхон'' -- 0:0. Навоийнинг ''Зарафшон'' жамоаси пешқадамлардан бири ''Бухоро''ни қабул қилиб, 4:1 ҳисоби билан устун келдилар. Ўтган турда ''Навбаҳор'' билан очко бўлишган ''Темирйўлчи'' бу сафар ҳам Наманганнинг иккинчи жамоаси ''Косонсой'' билан ''келишди'': -- 2:2.

''Нефтчи'' Тошкентда МҲСК меҳмони бўлиб, 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади, ''Навбаҳор'' -- ''Андижон'' учрашувида 3:0 ҳисоби қайд этилди.

11 ТУР

''Сурхон'' -- ''Пахтакор''
''Сўғдиёна'' -- ''Хоразм''
''Бухоро'' -- ''Металлург''
''Темирйўлчи'' -- ''Зарафшон''
''Андижон'' -- ''Косонсой''
''Нефтчи'' -- ''Навбаҳор''
''Трактор'' -- ''МҲСК''

А. РАИМОВ
''Туркистон'' мухбири

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Саидолимов ШЕРЗОД

ТАҲРИРИЯТ: Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. —010
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 9.917
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——22.00
1 2 3 4 5 6